

Тошкент шаҳар  
Миробод тумани  
Ҳокимининг\_\_\_\_\_  
2011йил «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_даги  
\_\_\_\_\_сон қарори  
реестр рақами билан \_\_\_\_\_  
қайта рўйхатга олинган  
инспекция бошлиғи

---

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси кенгаши  
раёсатининг  
2011 йил «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_даги  
\_\_\_\_\_сонли қарори билан  
тасдиқланган

**“O’ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI  
KENGASHI QOSHIDAGI KURORTLAR BOSHQARMASI”**  
**UNITAR KORXONA**  
**УСТАВИ**  
**(янги таҳрир)**

Тошкент 2011-йил

## **1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. «O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI KENGASHI QOSHIDAGI SANATOR-KURORTLAR BOSHQARMASI» унитар корхонаси, бундан бўён матнда «Бошқарма» деб юритилади, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари га ҳамда норезидентларига замонавий тиббий воситалар ва тиббий услублар асосида санатор-курорт хизмат кўрсатишни ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган касаба уюшмалари қарамоғидаги санатор-курорт ташкилотлари фаолиятига амалий раҳбарлик қилиш ҳамда бу фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан ташкил этилади.

1.1. «Бошқарма», аввал Миробод туман Ҳокимлигининг 1993-йил 12-июлдаги 264/9 сонли қарори билан рўйхатга олинган ва 1998-йил 18-майдаги 273-сонли, 2001-йил 03-июлдаги 1340-сонли қарорлари билан қайта рўйхатга олинган «O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI KENGASHI QOSHIDAGI KURORTLAR BOSHQARMASI» унитар корхонасининг хуқукий вориси ҳисобланади.

1.2. Мазкур Устав Бошқарма фаолиятининг умумий, хуқукий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини, шунингдек, унинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши (бундан бўён матнда «Федерация кенгаши» деб юритилади) ва касаба уюшмалари санатор-курорт ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг умумий тартибини белгилаб беради.

1.3. Бошқарма аппарати ходимлари сони ва тузилмаси Бошқарма бошлиғи тавсиясига биноан Федерацияси кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

1.4. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Федерацияси кенгаши раёсати, Бошқарма коллегияси томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган қарорларга, фармойишларга, шунингдек, бошка локал-норматив ҳужжатларга ҳамда мазкур Уставга амал қиласи.

1.5. Бошқарманинг номи:

ўзбек тилида - «O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI KENGASHI QOSHIDAGI SANATOR-KURORTLAR BOSHQARMASI» унитар корхонаси.

рус тилида - «САНАТОРНО-КУРОРТНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ПРИ СОВЕТЕ ФЕДЕРАЦИИ ПРОФСОЮЗОВ УЗБЕКИСТАНА» унитарное предприятие.

инглиз тилида - «SANATORIUM MANAGMENTS UNDER THE ADMINISTRATION OF HEALTH RESORTS OF COUNCIL OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN».

1.6. Бошқарманинг манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, 100165 Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 24.

1.7. Бошқарма белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Бошқарма фаолиятининг муддати чеклаб қўйилмаган.

## **2. БОШҚАРМАНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ**

2.1. Бошқарма юридик шахс ҳисобланиб ўз фаолиятини санатор-курорт ташкилотлардан тушган хизмат тушумлари ва қўшимча хўжалик фаолияти давомида топган даромади асосида амалга ошириб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бошқармага хўжалик юритиш учун берилган мулкини ҳамда мулкдордан ишончли бошқариш тўғрисида берилган бош ишончномасига асосланиб, улушларни ишончли бошқариш ваколатларини амалга оширади, ўз маблағлари ҳисобидан олинган мулкни бошқаради.

2.2. Бошқарма ўзининг мустақил балансига, банк муассасаларида ўзининг миллий ва чет эл валютасидаги ҳамда бошқа ҳисоб рақамлари, юмалоқ мухри, бурчакли штампи, шунингдек, юридик шахсга тегишли бошқа белгиларига эга.

2.3. Бошқарма Федерация кенгаши раиси билан келишилган ҳолда ўз номидан шартнома ва битимлар тузади, банк кредитларидан фойдаланади, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан амалдаги қонунда кўзда тутилган битим, шартнома ва келишувлар тузади ҳамда ўз фаолиятига тегишли бошқа вазифаларни амалга оширади.

2.4. Хўжалик ва хакамлик судларида даъвогар ҳамда жавобгар сифатида қатнашади.

2.5. Бошқарма Федерация кенгашининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам Бошқарма мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

### **3. БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

3.1. Бошқарманинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган касаба уюшмалари санатор-курорт ташкилотлари фаолиятига амалий раҳбарлик қилиш ва бу фаолиятни ўзаро мувофиқлаштиришни амалга оширишдан иборат, жумладан:

- Федерация кенгаши томонидан тақдим этилган бош ишончнома асосида Федерация кенгаши санатор-курорт ташкилотларининг устав жамғармаларидағи улушларини бошқариш ҳуқуқи ҳамда Федерация кенгаши номидан санатор-курорт ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича ваколатларни амалга оширади;

- Федерация кенгаши ижтимоий сугурта бўлими билан биргаликда йўлланмаларни чиқариш, тақсимлаш ва сотиш режасини ишлаб чиқиб, Федерация кенгаши раёсати тасдигига тақдим этади;

- касаба уюшмалари санатор-курорт ташкилотларида кўрсатиладиган санатор-даволаш хизмати даражаси ва сифатини, дам олувчиларнинг овқатланиши ҳамда ҳордигини ташкил этилишини, асосий фондларнинг такрор яратилишини назорат қиласди;

- санатор-курорт ташкилоталарини улардан тушган буюртмалар асосида турли товар-моддий бойликлари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материаллар билан таъминлаш, бозор таклифларини ўрганиш, тендер ва танлов асосида амалга оширилди;

- санатор-курорт ташкилотларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қурилиш, таъмирлаш ҳамда реконструкция ишларини амалга оширади.

- касаба уюшмалари санатор-курорт ташкилотларига хизмат кўрсатиш ва уларга йўлланмаларни сотиш юзасидан реклама ишларини ташкил қиласди ва санатор-курорт ташкилотлари манфаати йўлида реклама акцияларини ўтказади;

- санатор-курорт ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини олиб боради;

- санатор-курорт ташкилотлари йўлланмаларини сотишни амалга оширади;

- санатор-курорт ташкилотларига амалий ва консультатив ёрдам кўрсатиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт институтлари, илмий-тадқиқот марказлари ходимларини жалб этади:

- мавзули маъруза курслари, семинарлар, брифинглар ўтказиш йўли билан санатор-курорт ташкилотлари ходимларининг малакасини оширишни таъминлайди ва малака даражаларини назорат қилиб боради, ўрнатилган тартибда ходимларни аттестациядан ўтказади;

- санатор-курорт ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида

йилнинг ҳар чорагида молиявий ҳисобот қабул қиласи, ўз навбатида Бошқарма ҳам Федерация кенгашига молиявий ҳисобот тақдим этади;

- Федерация кенгаши томонидан улушларни ишончли бошқариш ваколатлари хукуқларини амалга ошириб, хўжалик юритиш мақсадида берилган мулкдан оқилона фойдаланади ва тасарруф этади;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига зид келмайдиган тарзда санатор-курорт ташкилотлари билан шартнома асосида бошқа вазифаларни амалга оширади;

- санатор-курорт ташкилотлари ижро органлари (директор) лавозимиға номзодларни Федерация кенгашига тавсия этади ҳамда умумий йиғилишда, Федерация кенгаши раиси тасдигига қўяди;

- Федерация кенгаши қарорига асосан жамғармалар ташкил этади, санатор-курорт ташкилотлари ва бошқа юридик шахсларнинг маблағларидан фойдаланади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъкиғланмаган хўжалик фаолиятининг ҳар қандай тури билан шуғулланади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси худудида, ҳамда ундан ташқарида ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун Бошқармaga қуидаги хукуқлар берилади:

- санатор-курорт ташкилотлари йўлланмаларини тегишли календар йили бўйича тақсимлаш режасига амал қилган ҳолда, касаба уюшмаларининг санатор-курорт ташкилотларига, жисмоний шахсларга ҳамда бошқа идора ва корхоналарнинг санатор-курорт ташкилотларига йўлланмаларни сотиши юзасидан касаба уюшмалари органлари билан шартномалар, битимлар тузиш;

- идоралар, корхоналар, ташкилотлар, жисмоний шахсларнинг буюртмаси билан бошқа идоралар, корхоналар, шунингдек, чет давлатларнинг санаторийларига йўлланмалар сотиб олиш, кейинчалик уларни шартнома асосида белгиланган нархларда сотиши;

- санатор-курорт ташкилотларида даволанишни ташкил қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида хўжалик фаолияти ҳамда инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- олди-сотди ва бошқа юридик ҳаракатларни, шу жумладан, кредит ҳамда молиявий операцияларини амалга ошириш;

- санатор-курорт ташкилотларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, мулкий қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга хуқукий ёрдам кўрсатиш, ваколатлардан фойдаланиш ва тасарруф этиши юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

- минерал сув манбаларидан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш, санатор-курорт ташкилотларининг гидроминерал ресурсларини кенгайтириш юзасидан гидрогеологик ва бальнеологик ишлар бўйича истиқболли ва жорий прогнозларни ишлаб чиқишида бевосита иштирок этиши;

- маҳсус кўргазмалар, семинарлар, маданий тадбирлар ташкил қилиш, реклама адабиётини (буклетларни) ва санатор-курорт ташкилотлари ҳамда Бошқарма фаолиятига алоқадор бошқа адабиётни нашр этиши;

- ҳалқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш бўйича, санатор-курорт ташкилотлари эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулотни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш цехлари барпо этиши;

- маҳсус рухсатнома талаб этиладиган фаолият турлари билан тегишли лицензиялар асосида фаолият юритиши.

3.3. Федерация кенгашининг санаторий-профилакторийлар тўғрисидаги Низомига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг санаторий-профилакторийларга, болалар дам олиш оромгоҳларига даволаш-профилактика ишларида, пархез бўйича овқатланишни ташкил қилишда услубий кўмак беради.

Тиббий ходимлар ва бошқа ходимларининг малакасини оширишда, уларни

тегишли услубий қўлланмалар ва адабиётлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади. Санаторий-профилакторийларнинг тиббий ходимларига Бошқармада тузилган тегишли комиссия томонидан аттестациядан ўтиш имкониятини яратиб беради.

3.4. Бошқарма белгиланган тартибда Федерация кенгаши билан келишилган ҳолда қўйидаги ҳуқуқларга эга.

- санаторийларга йўлланмалар сотиш бўйича корхоналар, ваколатхоналар ва бошқа бўлинмалар барпо этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлариға зид келмайдиган хўжалик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш;

- чет эл фирмалари билан биргаликда қўшма корхоналар барпо этиш.

3.5. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва касаба уюшмалари органлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда Бошқарма санатор-курорт ташкилотлари манфаатларини ифода этади ҳамда улар номидан иш кўради.

#### **4. БОШҚАРМА МУЛКИ, ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ**

4.1. Бошқарманинг Устав жамғармаси 30 189 167,25 сўмни (Ўттиз миллион бир юз саксон тўққиз минг бир юз олтмиш етти сўм 25 тийин) ташкил этиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг улуши ҳисобидан шакллантирилади.

4.2. Асосий жамғармалар, айланма маблағлар Бошқарма мулкини ташкил этади, уларнинг қиймати жамловчи балансда акс эттирилади.

4.3. Бошқарма мулки бўлинмас мулк ҳисобланиб, унинг қўйилган маблағлари (улуши, пайи) Бошқарма ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Бошқарма мулкчиликнинг бошқа шакллариға ўтказилганда (акциядорлик жамиятига айлантириш ва ҳоказо) унинг маблағлари (улуш, пай) Федерация кенгаши ёки унинг Раёсати қарорига мувофиқ тақсимланади.

Бошқарма санатор-курорт ташкилотлари тасарруфидаги мулқдан ва мулк улушларидан тегишли мақсадларда фойдаланиш устидан самарали назоратни амалга оширади.

4.4. Бошқарманинг асосий ва айланма маблағлари қўйидаги манбалардан ташкил топади:

- Бошқарманинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган асосий ва айланма маблағлари;

- санатор-курорт ташкилотларининг Бошқарма коллегияси қарори билан белгиланган миқдордаги хизмат тушумлари;

- бошқа идоралар ва ташкилотларнинг санаторийларига сотилган йўлланмаларидан олинган қўшимча даромадлари;

- санатор-курорт хизмати ривожидан ва курорт хизмати кўрсатилишидан манфаатдор бўлган давлат, жамоат, тијкорат ташкилотлари, корхоналари ва шахсларнинг бир мақсадда қўйган маблағлари ва бошқа улушлари;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва тијкорат фаолиятидан тушган даромадлари, шунингдек, қайтадан ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлардан Бошқарманинг мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ келадиган даромадлари;

- банк ва бошқа кредит ташкилотларнинг кредитлари, ссудалари, заёмлари;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг beminnat ҳамда бошқа хайрия бадаллари, ҳомийлик ёрдами;

- қонун билан таъкидланмаган бошқа манбалар.

4.5. Бошқарма мулки мустақил балансда акс этади.

4.6. Бошқарма молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлардан

қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- Башқарма ва унинг тасарруфидаги тузилмаларнинг ривожланишига, иш ҳақи фонди ва Башқарма ходимларини моддий рағбатлантиришга;
- ходимлар меҳнат шароитини яхшилашга, ташкилий техник, асбоб-ускуналар (компьютерлар, ксерокопиялар, телефонлар ва бошқалар) сотиб олишга;
- кадрларни тайёрлаш ва санатор-курорт ташкилотлари кадрларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизими니 ривожланириш, шунингдек, чет элларда таълим олишни йўлга қўйишга;
- санатор-курорт ташкилотлари ва бошқа тузилмалар хизмати рекламасини ташкил этишга;
- ишлаб чиқариш-техника базасини барпо этиш, шу жумладан, Башқарма ишлаб чиқариш биноларини кенгайтириш, асбоб-ускуналар, автотранспорт воситалари, автотранспорт ҳамда асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмларини сотиб олишга;
- илмий-услубий адабиётлар, тавсияномаларни чоп этиш бўйича нашриёт фаолиятини ташкил қилишга;
- ахборот-таҳлил тизимини яратиш, Башқарма аппаратини санатор-курорт ташкилотлари билан боғлайдиган компьютер ва коммуникация алоқасини йўлга қўйишга;
- санатор-курорт ташкилотларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қурилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун молиявий ёрдам (қайтариб бериш ва бегаразлик асосида) кўрсатишига;
- делегацияларни, меҳмонларни, шу жумладан, чет эллик меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарф-харажатларга;
- зарур маркетинг-тадқиқот ишларига, консалтинг ва маркетинг хизматларини ташкил қилишга;
- Башқарманинг иштирок этиши назарда тутилган касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг мақсадли дастурларини маблағ билан таъминлаш мақсадларига;
- кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш мақсадларига;
- Башқарма раҳбарияти қарори билан идора, ташкилот ва жисмоний шахсларга моддий ёки товар маҳсулотлари тариқасида ёрдам кўрсатиш ва бошқа мақсад ҳамда вазифалар учун қилинадиган сарф-харажатларга сарфланади.

## 5. БОШҚАРМА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ.

5.1. Касаба уюшмалари санатор-курорт ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожланириш улар фаолиятини, дам олувчиларга кўрсатиладиган тиббий ва маданий-маиший хизматлар сифатини яхшилаш масалаларини коллегиал тарзда кўриб чиқиш, бошқа зарурий вазифаларни ҳал қилиш учун Башқармада қуидагилар ташкил этилади:

- Санатор-курортлар кенгаши;
- Санатор-курортлар бошқармаси коллегияси;

Санатор-курортлар кенгаши бошқарма раҳбарияти, Башқарманинг мутахассислари, санатор-курорт ташкилотлари раҳбарларидан ташкил топади.

Федерация кенгаши қошидаги санатор-курорт бошқармасининг бошлиғи бир вақтнинг ўзида санатор-курортлар кенгаши ва Башқарма коллегияси раиси ҳам ҳисобланади.

### **Санатор-курортлар кенгаши:**

- Санатор-курортлар кенгаши аъзоларининг миқдорий ва шахсий таркиби Башқарма бошлиғи томонидан тавсия этилади ва Федерация кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

- Санатор-курортлар кенгаши Федерация кенгаши томонидан берилган бош ишончномага асосланиб, санатор-курорт ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларига оид масалаларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

- Санатор-курорт ташкилотлари ва касаба уюшмалари санатор-курортлар Бошқармаси тизими бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қиласди;

- Санатор-курортлар кенгаши Бошқарманинг ички меҳнат тартибига таллуқли масалаларни ҳал этади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

-Бошқарма мулкини ўз ваколатлари доирасида тасарруф этадилар;

Санатор-курортлар кенгаши мажлиси заруратга қараб, лекин ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда чақирилади. Кенгаш қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

### **Санатор-курортлар бошқармаси коллегияси:**

- Бошқарма, санатор-курорт ташкилотлари фаолиятига дахлдор, Бошқарма коллегияси ваколатига кирадиган меъёрий ва ички хужжатларни тасдиқлайди;

- санатор-курорт ташкилотларининг меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларига санатор-курорт хизматини кўрсатиш бўйича фаолиятининг долзарб масалаларини кўриб чиқади, улар фаолиятини яхшилаш юзасидан қарорлар қабул қиласди;

- санатор-курортлар бошқармаси хўжалик юритувчи субъектларини тугатиш масаласини Федерация кенгаши раёсат мажлиси муҳокамасига қўяди;

- санатор-курорт ташкилотларининг асосий фондларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш бўйича фаолиятини яхшилаш чора-тадбирларини белгилайди;

Коллегия ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қиласди.

Коллегия аъзоларининг миқдорий шахсий таркиби Бошқарма бошлиғи томонидан тавсия этилади ва Федерация кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

Коллегия мажлиси заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир маротаба чақирилади. Коллегия қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

5.2. Бошқарма фаолиятини Бошқарма бошлиғи бошқаради, у лавозимга Федерация кенгаши раиси томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга;

5.3. Бошқарма бошлиғи ўз ваколати доирасида қўйидаги ишларни амалга оширади:

- бошқариш ишни ташкил этади, Бошқарма ва санатор-курорт ташкилотлари ҳамда хўжаликлар фаолиятлари учун жавоб беради;

- Бошқарма номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини барча корхоналар, шунингдек, хорижий корхоналар ҳамда ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда ҳимоя қиласди;

- Бошқарма номидан шартнома ва битимлар тузади;

Бошқарма фаолиятининг амалдаги қонунларга зид келмайдиган масалалари юзасидан буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа хужжатлар чиқаради;

- Бошқарма ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди;

- Бошқарма ихтиёрида қолган маблағларни барча зарур чегирмалар, тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблардан кейин мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган миқдорда тасарруф қиласди;

- Бошқарма аппарати ишини ташкил қиласди, ўринбосар ва ходимларининг вазифаларини белгилайди, қонунлардан ва мазкур Уставдан келиб чиқсан ҳолда раҳбарнинг бошқа ваколатларини бажаради.

5.4. Бошқарма бошлиғи ўз ваколатларининг бир қисмини ўринбосарга топшириш хуқуқига эга.

Бошқарма бошлиғи йўқлигида (касаллик, таътилда ва хизмат сафарида) унинг

вазифасини ўринбосари бажаради.

## **6. БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

6.1. Бошқарма молиявий-хўжалик фаолияти қўйидагилар томонидан назорат қилинади:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ давлат органлари;

- Федерация кенгаши ва Федерация Назорат-тафтиш комиссияси.

## **7. ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

7.1. Бошқарма қайта ташкил этилганда унинг хуқуқ ва мажбуриятлари унинг қонуний ворисига ўтади.

7.2. Бошқарма қўйидаги ҳолларда тугатилади:

- Федерация кенгаши раёсати қарори билан;

- суд қарори билан.

Бошқарма тугатилганда, Федерация кенгаши тугатиш комиссиясини тузади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширади.